O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 16 MART ◆ SHANBA ◆ №32-33 (26.892)

АҚШ дунёда ҳар томонлама етакчиликни қўлга киритган давлатдир. Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди. Бундай қудратли давлатга боришдан олдин аниқ мақсадларни, ташриф муддаосини белгилаб олиш керак.

Энди АҚШ сафари ортда қолган экан, ташриф якукларига қандай баҳо бериш мумкин, у Ўзбекистонга қандай фойда келтиради, мамлакатимиз қандай манфаат кўради, деган саволлар пайдо бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди





Суратларда: Президентимизнинг АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ва Мудофаа вазири Доналд Рамсфелд билан учрашуви.

Аввало, Ислом Каримовнинг Жорж Буш билан учрашувига тўхталсак. АҚШ Президенти ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни Оқ уй маъмурияти ва мамлакат ҳукуматининг катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга вакиллари қуршовида кутиб олди. Бу учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганидан, Ўзбекистон делегациясига катта ҳурмат-эътибордан далолат.

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелд, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар иштирок этган бу учрашувда дастлаб Ўзбекистон раҳбарига Америка халқини энг синовли дамларда дадил қўллаб-қувватлагани учун яна бир карра самимий миннатдорлик билдирилди. Ж.Буш Ўзбекистон қатъият билан аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаганини АҚШ ҳукумати ва халқи унутмаслигини, бу миннатдорлик ва эҳтиром келгусида жуда кўп бор намоён бўлишини таъкидлади. У Ислом Каримовни бундан буён АҚШ стратегик шерик сифатида доим Ўзбекистон билан бирдам бўлишига ишонтирди.

Вашингтонда АҚШ ҳукумати бу йил Ўзбекистонга ёрдам тарикасида 160 миллион доллар ажратиши маълум қилинди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда Жорж Буш ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар руҳидан англаш мумкинки, АҚШ бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайверади.

Оқ уйдаги учрашувда Марказий Осиёдаги жараёнлар ҳам муҳокама қилинди. Минтақамиздаги иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилди. Гап шундаки, Афғонистондаги аксилтеррор операцияси якуний босқичига қадам қўйгани билан ҳали хотиржамликка берилиб бўлмайди. Аксинча, энди янада қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш керак. Президентимиз АҚШнинг етакчи газета ва журналлари раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганидек, биринчи галда Афғонистонда ҳаётий инфратузилмаларни тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш зарур. Афғонистон хориж ёрдами билангина ўз ҳаётини изга солиши мумкин.

Иккинчидан, «Толибон» ва «Ал-Қаида» жангарилари бутунлай йўқотилгани йўқ. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида баъзан майда гуруҳлар халқаро коалицияга қарашли ҳарбийларга қаршилик кўрсатиб тургани сир эмас. Жангариларнинг муайян қисми хорижда, коалициянинг ҳозирча эътибори тушмаган жойларда яшириниб ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Улар вақти келиб, яна ўзининг манфур башарасини намоён қилмаслигига, хунрезликлар уюштирмаслигига кафолат йўқ. Шу боис уюшқоқликни, ҳамжиҳатликни сусайтирмаслик даркор.

Бошқа бир муаммо Афғонистонда йиғилиб қолган қурол-яроғдир. Ҳозир мамлакатда 10 миллион донадан ортиқ ўқотар қурол бор. Миллий тотувлик энди-энди шаклланаётгани, марказий ҳокимиятнинг кучи ҳали бутун мамлакатни назорат қилишга етмаслиги ҳозирги барқарорликнинг давомийлиги ва мустаҳкамлигига соя солмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун давлат чегарасини мустаҳкамлаш борасида АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантириш ғоят муҳимдир. АҚШ томони ҳам халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмларининг контрабандаси долзарб муаммолар эканлигини, уларга қарши курашда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга кўмак бериб, шу орқали дунёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этди. Бу борада катта имкониятлар ва бой тажрибага эга АҚШ бизга чегарани мустаҳкамлашда, унинг муҳандислик ва техникавий инфратузилмасини такомиллаштиришда самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу хусусда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Шу билан бирга, Оқ уйда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда Доналд Рамсфелд билан бўлган учрашувда эса бу йил Ўзбекистон қуролли кучлари ислоҳотига кўмаклашиш учун 43 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Ўтган йили бу рақам 15,5 миллион доллар эди.

Аввалги хабарларда айтилганидек, Президент Ислом Каримов АҚШнинг қишлоқ хўжалиги ва молия вазирлари билан учрашди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним билан суҳбат чоғида мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 2,5 фоизигина шу соҳада банд бўлганига қарамай, дунёда пахта, ғалла, гуруч каби зарур маҳсулотлар етиштириш бўйича етакчилик қилаётган, қишлоқ хўжалигида илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишга солаётган АҚШ билан бундай ҳамкорликдан Ўзбекистон манфаатдор экани ва катта фойда кўриши тайин.

АҚШда тахминан 22 миллион фермер хўжалиги бор. Битта хўжалик ўртача 190 гектар ерга ишлов бериб, мамлакат чорвачилик ва паррандачиликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг АҚШ билан бу соҳадаги ҳамкорлиги PL-480 дастури доирасида қабул қилинган ҳукуматлараро битимларга таянади. PL-480 илмий изланишларга оид дастурларни ижро этиш ва АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тажриба алмашишни молиялаш учун заҳира жамғарма шакллантиришни кўзда тутади. Ўтган йилнинг апрелидан мамлакатимизда ўнта дастур амалга оширила бошлади. Бу йил эса яна ўн тўрттаси кўриб чиқилади. Улар деҳқончилигимизда ҳосилдорликни ошириш, чидамли ва серҳосил навлар яратиш, ерсув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ қўплаб долзарб масалаларни қамраб олган.

Вашингтонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди.

Молия вазири Пол О'Нил билан бўлган учрашув АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланди. АҚШ томони Ўзбекистондаги бозор ислоҳотлари ва демократик жараёнларнинг нуфузини ҳисобга оладиган бўлсак, эндиликда бу муассасаларда Ўзбекистон манфаатларини қўллаб-қувватловчи ишончли шерикларимиз сони янада кўпайди, дейиш мумкин.

Президентимизнинг Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашуви.

Президент Ислом Каримов АҚШ Конгрессига борганда, уни Вакиллар палатаси раиси Деннис Ҳастр қарши олди. Таъкидламоқ жоизки, АҚШ конгрессменлари барча мамлакатлар президентларига ҳам бундай иззат-икром кўрсатавермайди. Конгрессдаги мулоқот чоғида асосий эътибор Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидламоқ керак, Оқ уйнинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари олий қонун чиқарувчи орган томонидан тўла маъқулланмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик мамлакат манфаатларига уйғун ва ғоят аҳамиятли эканлиги эътироф этилди. Сенаторлар, конгрессменлар мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлди. Ўтган бир неча ой ичида 16 нафар сенатор ва 8 конгрессмен Ўзбекистонга келиб кетди.

Конгрессда Сэм Браунберг, Ҳиллари Клинтон каби нуфузли сенаторлар билан бўлган учрашувда ҳам АҚШ олий қонун чиқарувчи органининг Ўзбекистонга ҳайрихоҳлиги қатъий таъкидланди. Америкалик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президентига Америка халқини ва Президентини синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов Сенат аъзоларининг катта қисми ўтирган залга кириб борганида, сенаторлар ўринларидан туриб узоқ олқишладилар. Сенаторлар сўнгги пайтда Конгресснинг Ўзбекистонга муносабати кескин ўзгарганини таъкидлади. Зеро, аксилтеррор коалициясини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон террорни йўқ қилиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш истаги билан чекланиб қолмайди, мамлакатимиз демократия ва эркинлик билан боғлиқ қадриятларни ҳам ҳимоя қиляпти.

Шундай қилиб, ташриф самарали кечди, дейиш учун асос етарли. Расмий доиралар вакиллари билан учрашувлар очиқ ва ғоят самимий руҳда ўтди. Оқ уйда, Конгрессда, Давлат департаментида, Пентагонда АҚШ томонининг юксак ҳурмат-эътибори кўзга яққол ташланиб турди. Бундан ташқари эса, АҚШ жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари халқаро терроргa қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовни «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти билан тақдирлади. Мукофотни АҚШнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Генри Киссенжер топширди.

Шунингдек, Ўзбекистон — Америка савдо палатаси уюштирган қабул маросимида америкалик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканлигини, ўзаро шериклик кўлами кенгайишида Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Барча Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини намоён этди.

(Давоми 2-бетда)

САЛОҲИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

САМОЛЁТСОЗЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ИШОНЧГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

«Ўзбекистон эйрвейс техникс» (Тошкент 243-авиатаъмирлаш заводи ҳозир шундай юритилмоқда) давлат унитар корхонаси Франция фуқаро авиациясининг олий давлат органи — Парвозлар хавфсизлиги бош бошқармасининг «JAR-145» халқаро ишонч сертификатига сазовор бўлди.

Маълумки, мазкур завод негизида ўзбек ҳаво флотининг Гарбда ишлаб чиқарилган самолётларига техник хизмат кўрсатиш маркази яратилган эди.

Март ойининг биринчи ўн кунлигида француз мутахассислари Франсис Жовард ва Алайн Коуртел заводда аудит ўтказишди. Текширув натижаларига кўра, Европа Бирлашган авиация маъмурияти номидан янги ҳужжатни топширдилар. «Ўзбекистон эйрвейс техникс» раҳбари вазифасини бажарувчи Анатолий Миндарь таъкидлаганидек, халқаро ишонч сертификати «А-310», «Боинг-757» ва «Боинг-767» самолётларини Европа андозалари даражасида таъмирлашга оқ фотиҳа берди. Дарвоқе, бу наинки ўзимиздаги, балки Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбойжон, Ҳиндистон, Хитой, Жануби-Шарқий Осиё ва Африка мамлакатлари авиакомпанияларига тегишли самолётларга ҳам техник хизмат кўрсатиш истиқболини очади. Лўндасини айтганда, жаҳон авиатаъмирлаш бозоридаги уфқ кенгайиб, қўшма корхоналар яратиш, Ўзбекистон иқтисодиётига янги сармояларни жалб этишга имконият туғилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ТАРАДДУД

НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ

Наврўз қадим Бухорога ҳам ўзгача тароват, руҳ олиб келмоқда. Бир ёғи Қарнаб тоғларига, иккинчи томони Қизилқуму Мохонкўл кенгликларига туташ ерлар энди ям-яшил. Мавсумга енг шимарган деҳқону чорвадорлар баҳор ҳавосидан энтикади. Пахтакор хирмоним бўлсин, дея умид билан чигит ташлади. Бу ҳам — қувонч. Чўпонлар совлиқлари қишдан омон чиққан сурув ва эгиз қўзиларга боқиб, барака бўлишидан севинади. Шаҳарнинг қоқ марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик қадим байрамга уйғунлашгандек гўё. Яна икки ойдан сўнг мамлакат талаба-ёшларининг «Универсиада-2002» баҳслари шариф шаҳарда ўтади-да. Бу ҳам бир қувонч.

Бухоро — Бухоро бўлиб, ҳалигача бундай ҳашаматли ўйингоҳни кўрмаган. Ўйингоҳга киришнинг бош қисмида катта фаввора. Ундан гумбаз шаклида атрофга сув отилади. Фаввораниг икки томонида чиптахоналар. Ўйингоҳга кириш жойи эса ўнта. Ана шу ўнта дарвозадан кирган томошабин учун 22 минг ўриндиқ муҳайё. Ишқибозларга ҳамма шароит яратилган: ошхона, тамаддихона... Иккита теннис корти. Стадионни ёритиб турадиган узунлиги 50 метр бўлган 4 минорада юқори кучланишли ёритгичлар. Қуёш нуридан муҳофаза этувчи махсус соябонлар. Голландиянинг «Pleups» фирмаси маҳсулоти бўлган узунлиги 12, бўйи 9 метрли табло...

Яқин бир ой ичида Бухорода Марказий Осиёда ягона ана шундай ўйингоҳ қуриб битказилади. Мамлакатимиз талаба-ёшларининг спорт тантаналари худди шу улкан ўйингоҳда бўлиб ўтади. Ҳа, «Универсиада-2002» объектида ишлашнинг ўзи ҳам қувонч.

Тўрт ой илгари шаҳар кўча ва хиёбонлари, маҳалла ва гузарларида ободонлаштириш ишларига қўл урилганди. Мана, бугун кўчалар равон, атрофи гулу гулзор. Янги хиёбонлар, йўлаклар барпо этилган.

Бугун шаҳар марказида катта сайилга тараддуд ниҳоясига етмоқда. Шоир Тошпўлат Аҳмад қаламига мансуб театрлаштирилган томоша ёшу қарига манзур бўлиши табиий.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

СТРАТЕГИК БАРҚАРОРЛИК МУҲОКОМА ҚИЛИНАДИ

Кейинги ҳафтада Токиода Япония ва Хитой давлатларининг мудофаа вазирликлари вакиллари учрашуви бўлиб ўтади.

Томонлар минтақадаги стратегик барқарорлик борасида музокара юритишади. Мутахассислар фикрича, Япония ва АҚШнинг яқинлашуви Хитойни ташвишга солмоқда.

МАВСУМ 15 АПРЕЛГАЧА

Косоводаги халқаро тинчликпарвар кучлар аҳолидан ноқонуний сақланаётган қурол-аслаҳа йиғиб олишни яна бошлашган. Ушбу тадбир бир ой давом этиши кўзда тутилмоқда. Шу вақт ичида ихтиёрий равишда қурол-аслаҳа топшириш лозимлиги аҳоли орасида тарғибот қилинади. Бир ойдан сўнг эса, яъни 15 апрелдан кейин ноқонуний қурол сақлаган киши жиноий жазога тортилади.

НОҚОНУНИЙЛИКДА АЙБЛАШМОҚДА

Европа парламенти Зимбабведа бўлиб ўтган сайлов натижаларини ноқонуний, деб баҳоламоқда. Хабарда айтилишича, амалдаги президент Роберт Мугабенинг ғалабаси ҳақиқий эмас. Сайловолди компаниясида ҳукумат мухолифат кучларини қўрқитиш ва халқаро кузатувчиларнинг назоратига халақит беришга ҳаракат қилган.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

Сербия билан Черногория ўртасида янги давлат ташкил қилиш бўйича имзоланган шартнома Европа Иттифоқига йўл очади, деди ушбу ҳамжамиятнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана. У журналистлар билан учрашувда Югославияда имзоланган ҳужжат Болқон минтақасида катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай қилиб, Ўзбекистон АҚШдек қудратли давлат билан стратегик шерик бўлди. Унинг нечоғли куч-қудратга эга эканлигига узоқ тўхталиш шарт эмас. Бир-икки иқтисодий кўрсаткични мисол келтириш кифоя. АҚШда ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 10 триллион долларни ташкил қилади.

Мамлакат савдо вазирлигининг Иқтисодий таҳлил бюроси ҳисоботида ёзилишича, АҚШнинг олтин заҳираси бутун дунёдаги заҳиранинг 30 фоизини ташкил этади. Мамлакат саноатнинг деярли барча соҳалари бўйича дунёда етакчи ўринга чиққан. АҚШда 11 мингдан зиёд банк бор. Ҳозирги кунда, бу мамлакат дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаётида «об-ҳавони белгилайди», десак асло хато бўлмайди. Демак, биз нафақат янги стратегик шерик орттирдик, балки унга ҳамкор ё иттифоқчи бўлган бошқа давлатларнинг назарини ҳам ўзимизга янгидан қаратдик. АҚШ Ўзбекистонни ўзининг стратегик шериги деб эълон қилар экан, кўп давлатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳам, Ўзбекистонга муносабатини ўзгартирмай қолмайди — ҳамкорликни, эътиборни кучайтиради. Яна бир муҳим томони шуки, мамлакатимизга ғараз кўзи билан қарайдиган кучлар ҳам энди ўйлаб иш кўришга мажбур.

Ташриф мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия соҳаларига оид қатор ҳужжат имзоланди. Улар орасида айниқса мазкур декларация ғоят муҳимдир. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда, хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни назарда тутувчи бу ҳужжат стратегик шериклиқнинг тамойилларини расман белгилаб берди. Томонлар хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай трансмиллий хавф-хатарга қарши биргаликда курашади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб, бутун ижтимоий соҳани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, асосий ва ижтимоий фанлар, юқори технологияларга оид масалаларни ўз ичига олади. Декларацияда АҚШ томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган техникавий ёрдам дастурларини амалга ошириши, Америкадаги банк ва компанияларни жалб қилиши таъкидланади.

Ислом Каримов Вашингтонда Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон, «Ньюмонт майнинг» компанияси президенти ва ижрочи директори Уэйн Мёрди билан учрашди. Мазкур учрашувларда қўшма лойиҳалар ижроси, янгиларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Нью-Йоркда эса Президентимизнинг шаҳар ҳокими Майкл Блумберг билан учрашуви бўлди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қаҳва, шакар, металлар каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью-Йорк биржасидаги олди-соттига бевосита боғлиқ.

Ислом Каримов ҳоким билан учрашуви чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М.Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон-АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гулчамбар қўйди. Американликларнинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М.Блумберг Президентга АҚШни, у билан иттифоқликда терроргa қарши тузилган халқаро каолицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон АҚШ билан стратегик шерик бўлди ва шу билан ўзининг тинчлиги ва тараққиётининг кафолатини янада мустаҳкамлади. Ташриф давомида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром мамлакатларимизнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам ва бардавом эканлигини кўрсатди.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
Абдувоҳид ТЎРАЕВ
(суратлар муаллифи)
ЎзА махсус мухбирлари

Тошкент — Вашингтон — Нью-Йорк — Тошкент.

МУАММО

КЎЧАТЛАР ЎТҚАЗИЛАДИ, БИРОҚ ЎСТИРИШ-ЧИ?

бу икки жараён орасида миллионлар исроф бўлаётир

Ҳазораспнинг машҳур «кўчат бозори»да февралдаёқ савдо бошланган. Фарғонадан турли мевали дарахт кўчатларини келтирган ишбилармонларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Мана, баҳор ҳам келди. Ҳаво илиб, ер уйғонди. Йўл ёқалари-ю боғлар кўчат ўтқазаётганлар билан гавжум.

Хоразм вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқарма муҳандиси Фарҳод Рўзметов режалар билан таништиради:

— Бу йил жами 190 минг туп кўчат ўтқазишни режалаштирдик. Шулардан йигирма минг тупи мевали, қолганлари эса манзарали дарахт кўчати. Ана шу ниҳолларнинг деярли ярмиси вилоят маркази Урганч шаҳрига — кўча четлари, сув йўллари ёқаларига ва бошқа манзилларга ўтқазилади. Туманларда ҳам бу кўрсаткич турлича: масалан, Хивада 20 минг бўлса, Янгиариқда тўрт минг туп...

Рақамлар кўзни қувонтиради. Бунинг устига мавсумда ҳар бир корхона, ташкилот, хўжаликлар, ўқув масканлари ҳам ўз кучлари билан неча минг туплаб кўчат экишади? Рости саноғига етиш қийин. Бундан тўрт-беш йил муқаддам «Ҳар бир ўқувчи беш туп кўчат ўтқазади» шиори остида катта ишлар қилингани ёдга тушади.

— Хўш, ўтқазилаётган ниҳолларнинг қанчаси илдиз отиб, кўкарди?

— Ўтқазилган ниҳолларнинг қирқ-эллик фоизи кўкаради. Масалан, 1999 йилда ўтқазган кўчатларнинг 56 фоизи, ўтган йили эса 41 фоизи кўкарди. Умуман тажрибада синалганки ниҳолларнинг 75 фоиз кўкариши энг юқори кўрсаткич саналади. Биз бу кўрсаткичга эриша олмаётганимизнинг сабаби: ерларнинг шўрлангани, сувнинг танқислигидир, — дейди муҳандис.

...Бозордаги бир суҳбат ёдга келади. Ушанда бозорда сотилаётган кўчатлар кўкариб кетишига озроқ шубҳаланган-дик, сотувчи-боғбон эътироз билдирди: «Менга аввало бу ниҳолларни ўтқазмоқчи бўлган жойни кўрсатинг. Тупроғини кўрай, сув йўлини кўрай. Агар ўзим ер танлаб ўтқазсам юз фоиз кўкармаса...»

Боғбон олдида хижил тортдик.

Агар рақамларга мурожаат қилсак, ҳафсала пир бўлади. Масалан, сўнгги ўн йилда масъул бошқарма жами бир ярим миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазган. Шулардан нари борса ярми кўкарган. Агарда ҳар йилги «Шунча туп экилди» дея берилган ҳисоботларни ҳисоблаб чиқсак, кафтдек воҳа аллақачон ўрмонга айланиб кетган бўларди. Ачинарлиси шундаки, ҳар йили сон-саноқсиз кўчат ўтқазганимиз билан уни кўкартириш борасида саъй-ҳаракат қилмасак, бариси бефойда.

Шу ўринда ҳар туп кўчат баҳоси, транспорт ва бошқа харажатлар миқдори билан қизиқдик. Маълум бўлишича, бу йилги мавсумда ҳар туп кўчат тўрт юз сўмдан ошиққа тушаркан. Демак, экилган кўчатларнинг ярми кўкарса — оз эмас ўттиз-ўттиз беш миллион сўм маблағ ҳавога совурилади. Модомики, ерлар шўр, сув тақчил экан беҳудага шунча маблағни совуришдан мақсад не? Фақат тупроғи яхши, сув йўли соз манзилларга экиб, борини сақлаш, парваришлаш маъқул эмасми?

...Кўчат ўтқазиш мавсуми давом этмоқда. Ишлар жадал. Белгиланган режаларни тез ва соз уддалаш керак. «Тез»нинг тарафдоримиз. Чунки, вақт кутиб турмайди. Аммо, «созн» бизнингча фақат ўтқазишда эмас, ўстиришда, яъни ниҳолларнинг парваришида...

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

■ Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

Одинахоннинг касби ўқитувчи. Бироқ у ўқувчиларга касб ўргатиш, билим бериш билан чегараланиб қолмай, тадбиркорликда ҳам ўзини синаб кўришга ҳаракат қилди.

Хуллас, 1997 йили Шаҳрихонда «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилди. Илгари бу ерда 48 киши ишларди. Яқинда қўшимча яна 40 иш ўрни ташкил этилди.

Одинахон Отаҳонова бошлиқ фирма жамоаси мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Айниқса республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Ўқувчи кийимлари» тендер танловида жамоа ғолиб, деб топилгани катта аҳамиятга молик бўлди. Чунки фирма шу танловда 46 миллион сўмлик буюртма олди.

«Одина» фирмасининг ташкил этилиши натижасида «Сарой» қишлоғида нафақат тикувчилик, қолаверса, қандолатчилик цехи мунтазам фаолият юрита бошлади.

Россиянинг «Экспресс» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 10 млн. сўмлик ишчи кийимлари ва трикотаж маҳсулотлари экспорт қилиш учун тайёрланмоқда.

✧ ✧ ✧

Суратда:
Одинахон Отажонова (ўнгда) шогирди Шоирахон Собирова билан тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Мақсуд Шайхзоданинг «Одамлар бор тиригида ўликдир, одамлар бор ўлигида тирикдир», деган шоҳ сатрлари йиллар ўтса-да, ифорини йўқотмайди. Гарчи бу сатрлар бугун орамизда йўқ, лекин қилган ишлари, меҳр-муҳаббати билан қалбимизда яшаётган марҳум биродарларимизга атаб айтилгандек. Аслида ҳам шундай.

Элдошлари бот-бот хотирлайдиган Ғани Аъзамхўжаев ҳам одамлар учун ёниб яшаган инсонлардан эди. У Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Бироқ, деярли бутун умри қишлоқ одамлари орасида, далада ўтди. Айни кучга тўлган йигитлик чоғлари ўттизинчи-қирқинчи йиллардаги оғир ва уруш шароитидаги йўқчиликлар даврига тўғри келди. Шундай бўлса-да, «Ўзбекпахтасоюз»да йўриқчилик қилди, бир муддат ёшлар ташкилотида ишлади.

Муҳими, ундаги билимга чанқоқлик, яратувчилик яхши одамларнинг этагидан тутқазди. Мураккаб бир шароитда ҳам атрофдагиларни, дўст-биродарларини келажакка, яхши, нурли кунларга бўлган ишончини шакллантиришга ҳаракат қилди. Бор билими, тажрибасини ўзига топширилган соҳани ривожлантиришга сарф этди. Уста ташкилотчи, оқил раҳбар сифатида танилди. У туман, вилоят ва республика миқёсидаги турли масъул вазифаларда ишлади.

Ғани ака каттани катта, кичикни кичик демай, ҳамма билан бирдай муносабатда бўлар, бирор ҳаракати, эзгу иши билан одамларнинг корига яраб, оғирини енгил қилса боладек қувонар эди. Унинг бундай хислатларини Паркент туманидаги «Паркент» боғдорчилик-виночилик хўжалиги аъзолари яхши эслашади. Ҳақиқатан, у киши умрининг сўнгги ўн беш йилини бутун қалб кўрини, пешона терини бағишлаган Паркент боғлари, шиғил-шиғил ҳосилга кирувчи узумзорлар, у киши бошқош бўлиб қурилган мактаб, касалхона, равон асфальт йўллар, кўплаб бошқа маданий-маиший иншоотлар фидойи инсондан хотира бўлиб қолди.

«Паркент» хўжалигига Ғани Аъзамхўжаев бошчилик қилган йилларда жамоа ҳаётида кўплаб ибратли ишлар юз берди. Хўжалик иқтисодиёти ривожланди. Рентабелликка эришилди. Деҳқончилик маданияти юксалди. Қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ва чорвачиликдаги ютуқлар салмоғи ортди.

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади», деган пурҳикмат гап бор. Ғани аканинг меҳнати синган боғлар бугун қулф уриб, гуллаб-яшнаб турибди.

Юртбошимиз нутқларидан бирида «Ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги кунинг баҳосини бериш учун, аввалам-бор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукрлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид», деган эдилар. Зеро, Ғани акадек инсонларни хотирлаш, яхши ишларини эслаб, ҳурматини жойига қўйиш биз тирикларнинг бурчидир. У кишининг бутун умри юрт ободончилигига, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланди. Гарчи, бу жонсарак инсон орамизда жисман йўқ бўлса-да, ишлари элдошлари, шогирдлари тимсолида давом этмоқда. Қутлуғ сиймоси эса қурган бинолар, барпо этган йўллар, бунёд этган боғ-роғлари тимсолида ҳаётдир.

■ **С. САИДАКБАРОВ**
Тошкент шаҳри.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИМКОНИЯТ БОР, ИШТАҲА ЗЎР, ЭЪТИБОР КАМ

ЁКИ ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ БЎЛГАН БАЛИҚЧИЛИКНИ АСРАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИДА ОЛТИ ТАКЛИФ



Табиат инсонни боқади, кийинтиради, яшаши ва ривожланиши учун имконият яратади. Табиатнинг ўзига хос қонунлари, имкониятлари, ички мувозанати бор. Бу ички мувозанатни бузиш, унга кўпол муносабатда бўлиш хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, «табиатга кўпол ва такаббурона муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди».

Табиатнинг инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бойликларидан бири — балиқдир. Балиқлар дарё ва қўлларда сувларни тозалайди, одамларни тўйимли, шифобахш гўшт билан таъминлайди. Шу сабабли ҳам ота-боболаримиз балиқ гўштини ниҳоятда қадрлаганлар.

Аввалари балиқ, балиқчилик тўғрисида сўз кетганида ҳамманинг эътибори Орол денгизига, Сирдарё ва Амударёга қаратилар эди. Ҳозир Орол сатҳи камайди, суви ҳаддан ташқари шўрлашиб кетди. Шўр денгизларда яшайдиган камбала балиқлар ҳам бу ерда яшаб, кўпаёлмайди. Орол балиқчилик соҳасидаги аҳамиятини йўқотди. Амударё ва Сирдарёда ҳам сув ифлосланиши натижасида балиқлар йил сайин камайиб бормоқда.

Вазият шундай бўлса, Ўзбекистонда балиқчилик ривожланиши учун имконият қолмабди-да, деган хулосага келиш мумкинми? Йўқ. Асло. Ўзбекистон ҳудудида балиқчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Балиққа иштаҳа ҳам зўр, ҳеч пасайган вақти бўлмаган. Унда балиқчиликка нега жиддий эътибор берилмаяпти? Шу хусусда фикр юритмоқчимиз.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кўплаб сунъий сув омборлари, катта кўллар пайдо бўлди. Бундай сув омборлари ва кўллар барча вилоятларда бор. Биргина Ҳайдаркўлнинг узунлиги 300 км.га яқин. Бу кўлнинг эни баъзи жойларда 35-40 км.ни ташкил этади. Арнасой кўллари тизимида, Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги кўлларда ҳам бундай имкониятлар кўп. Ўзбекистонда бундан 30-40 йил олдин фойда олиб ишлайдиган йирик балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган эди.

Хўш, ҳозир аҳвол қандай? Очиғи, аҳвол тобора оғирлашмоқда. Балиқларга бериладиган омухта емлар қимматлашиб кетди. Лойқа чўкиши, уни тозалаш имкони йўқлиги сабабли балиқларни сунъий кўлларда боқиш имкони қийинлашмоқда. Балиқчилик билан шуғулланувчи кўплаб хўжаликлар ўз харажатларини қоплай олмай қолдилар.

Ҳайдаркўлда балиқчилик деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу кўлнинг 300 км.га чўзилган икки қирғоғида ва ороллари да тўр қўйилмаган бирор жой йўқ. Балиқ тутишга рухсат бериш тартибида ҳам нуқсонлар бор. Натижада ноқонуний йўл билан балиқ тутувчи «броконьер»ларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. «Балиқчи» ҳиссадорлик жамиятига қарашли балиқ тутувчи бригадалар режани асосан майда ва энг арзон балиқ — «вобла» ҳисобига бажарадилар. Қимматбаҳо балиқларни эса шахсий манфаат йўлида бозорларга олиб чиқиб сотиш ҳоллари учраб турибди. Балиқ тутувчи бригадаларнинг сони ҳам сўнгги йилларда кўпайди. Улар фаолиятини назорат қилиш эса... Агар аҳвол шу тариқа давом этса, яна 10-15 йилдан кейин Ҳайдаркўл, Арнасой ва бошқа кўлларда балиқлар кескин камайиб кетади.

Балиқлар табиий урчийдиган жойларга ҳам тўрлар ташланганлиги кузатилмоқда. Тухум қўйиш учун Чордарадан Бекобод томонга сузаётган жерех балиқлари юзлаб броконьерларнинг пистирмасидан ўтиб, ўз манзилига етиб олиши амри маҳол. Балиқлар урчийдиган даврда балиқ тутишни таъқиқлаш муддати ҳам назаримизда нотўғри белгиланган. Одатда балиқларнинг асосий қисми апрель ойида тухум қўяди. Лекин нима учундир овни таъқиқлаш муддати майнинг ўрталарига белгиланади.

Албатта, табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси бу борада тартиб ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Лекин бу ташкилотнинг имкониятлари ҳам етарли эмас. Чўл шароитида ишлайдиган инспекторларга осон тутиб бўлмайди. Ҳар бир инспектор назорат қилиши керак бўлган жой 30-40 км.ни ташкил этади. Бу жойларда йўл йўқ. Бунча жойни пиёда ҳафтада бир маротаба ҳам айланиб ўтиш қийин, хатарли ҳам. Броконьерларнинг эса тезюрар машиналари, моторли қайиқлари бор.

Қисқаси, балиқчиликни ривожлантириш борасида қуйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман:

1) Бир вақтлар Жиззах вилоятида балиқларни сунъий урчитиш учун алоҳида ускуналар, сув ҳавзалари қурилган эди. Ҳозир бу объектлар аянчли ҳолатга келиб қолган. Улардан кўп ҳолларда шоли экиладиган ер сифатида фойдаланилмоқда. Бундай кўзбўямачиликларга барҳам берилиб, балиқни сунъий кўпайтирадиган ҳавзаларни кўпайтириш лозим. Ҳозир Ҳайдаркўлда чўртан ва бошқа нодир балиқлар ҳам пайдо бўлган. Имкон топиб бу ерда Каспий денгизидаги осётр балиқларини ҳам кўпайтириш керак. Бунинг учун имконият бор, чунки Ҳайдаркўл ва Арнасойдаги табиий имкониятлар Каспий денгизидаги муҳитга жуда яқин. Балиқни сунъий кўпайтирадиган ҳавзаларни барча вилоятларда барпо этиш мумкин.

2) Балиқ овлаш учун рухсатнома беришни марказлаштириш керак. Бу иш билан айрим хўжаликлар эмас, балки аниқ бир ташкилот шуғулланса мақсадга мувофиқ бўларди.

3) Балиқ овлайдиган бригадаларга ё сув сатҳини аниқ бўлиб бериш керак, ёки уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш лозим. Балиқчилик — бу ҳаваскорлик эмас, балки ҳақиқий касбдир.

4) Ҳар бир бригадада албатта катта музлатгич бўлиши шарт. Ёз ва баҳорнинг иссиқ кунларида транспорт ёки харидор вақтида келмаслиги натижасида балиқ сифати бузилиб қолмоқда ва ерга кўмиб ташланмоқда.

5) Балиқчилик билан шуғулланувчи хўжаликларда рентабелликни таъминлашга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Хитой, Вьетнам, Корея, Японияндан ўрганиш ва амалда қўллаш мумкин бўлган яхши тажрибалар бор.

6) Табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи идоралар ходимларининг иш шароитларини замон талабларига мос равишда ташкил этиш лозим.

Мен ўзимнинг айрим фикр ва мулоҳазаларимни жамоатчиликка ҳавола қилдим, холос. Бу муаммолар ҳақида биргалашиб ўйлаб кўрсак, етти хазинанинг бири бўлган балиқчилик янада ривож топарди.

■ **Азамат ЮСУПОВ,**
Давлат биологик назорат бошқамаси биринчи тоифали мутахассиси

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

«ТЕМИРЙЎЛЧИ»НИНГ ЎЙИНГОҲИ ЎЙИНЛАРДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ. НЕГА?

Ўлкамизда баҳор. Баҳор ва Наврўз нафаси билан биргаликда юртимизга футбол мавсуми ҳам кириб келди. Мамлакат кубоги чорак финал ўйинлари бошланди. Бугун эса ўйингоҳларда навбатдаги чемпионатимизнинг байроқлари кўтарилади. Хуллас, миллионлаб мухлислар орзиқиб кутган футбол байрами бошланди.

Афсуски, Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси мухлисларига бу байрам унчалик татимай турибди. Гап шундаки, ўз севимли жамоалари бир йиллик танаффусдан сўнг яна олий лигага чиққанлигини қувонч билан нишонлаган қўқонлик мухлислар «Темирйўлчи» ўйинларини Қўқонда кўришдан маҳрум бўлиб туришибди. Ҳатто, Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» ўйингоҳида ҳам бугун ўйин ўтказиш имконига эга эмас. Вилоят шарафини ҳимоя қилаётган «Нефтчи» ва «Темирйўлчи» жамоалари ўз ўйингоҳлари мавсумга тайёр эмаслиги сабабли биринчи ўйинларини рақиблар майдонларида ўтказишга мажбур бўлиб турибдилар. «Нефтчи» ўйингоҳи маъмуриятининг изоҳини тушунса бўлади. Чунки апрель ойида ўсмирларнинг «Умид ниҳоллари — 2002» республика спорт мусобақалари шу ерда очилади. Ўйингоҳ шу мақсадда таъмирланаяпти. Янги, замонавий қиёфа касб этмоқда.

Аммо Қўқондаги Х. Муҳиддинов номли ўйингоҳ ҳақида бундай дейиш қийин. Ҳолбуки, бу ўйингоҳ ҳақида матбуот ва телевидениеда аччиқ гаплар айтилган. Аммо, муаммо муаммолигича қолаверди...

Ўйингоҳнинг аҳволи эса шу даражада харобки, Ўзбекистон футбол федерациясининг мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи А. Никимбоев: «Агар «Темирйўлчи» ўз футбол майдони ва ўйингоҳини меъёрий даражага етказмаса ёки бошқа майдон топмаса, тақвимдаги 30 та ўйиннинг барчасини ўзга майдонларда ўтказиши мумкин», деб очиқ айтди. Қаранг, бу ахир, футбол тарихида учрамаган ҳол бўлса керак! Зеро, ўз жонажон шаҳри, ўйингоҳидаги минглаб мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши, ҳайқириқларидан бебаҳра жамоа бегона жойда қандай ўйин кўрсатиши мумкин? Бу ғайритабиий ҳол нафақат қўқонликлар, балки республикадаги футболга алоқадор барча кишиларни ҳам ташвишга солмоқда.

Муаммонинг илдизи нимада эканлиги билан қизиқиб, Қўқон томон йўл олдик. Эрталабки соат 9.00 да шаҳар ҳокими А. Ҳўжаев қабулхонасидан «У киши стадиондалар» деган жавобни олдиму, ўша томонга шошдим. Стадионга яқинлашган сари у ердаги одамларнинг кўплиги, ишлаётган техникалар, ташқи деворларнинг бўяб қўйилганлиги кўзга ташланди. Шаҳар ҳокими, дарҳақиқат, ўйингоҳда иш бошқариб турган экан.

— Ўйингоҳ ҳақиқатдан ҳам талаб даражасида эмас, — деди у. — Шу пайтгача футбол майдонини ёритиш миноралари йўқ эди. Эндиги талаблар эса ана шундай ёритиш миноралари, албатта, бўлишини тақозо этмоқда. Уларни Жиззахдан топдик ва ўрнатишга ҳозирлик кўряпмиз.

Ҳоким билан ўйингоҳ хусусида анча суҳбатлашдик. Дарҳақиқат, «Темирйўлчи»нинг Ўзбекистон футболи тарихида ўзига хос ўрни бор. Миллий чемпионатда кейинги 10 йилда қатнашган 29 жамоанинг ютуқ ва мағлубиятлари бўйича жадвал тузилганда «Темирйўлчи» 233 очко тўплаб, 13-ўринни ишғол этди. «Темирйўлчи»да тўп сурган бир қатор йигитлар республиканинг номдор жамоалари, миллий терма жамоамиз таркибида ҳам ўйнаган ва ўйнамоқда. Машҳур футбол мураббийлари Баҳром Ҳакимов («Насаф»), Зоҳид Нурматов («Ангрен»)лар аслида Қўқон футбол мактаби вакилларидан. Бу йил «Темирйўлчи»га Қўқоннинг тўрт нуфузли корхонаси — «Қўқондон» ҳиссадорлик жамияти, ёғ-мой комбинати, спирт заводи, суперфосфат заводи хомийлик қилади.

— Севимли жамоамиз учун қўлимиздан келган барча ёрдамни берамиз, — дейди «Қўқондон» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Қодиржон Сотволдиев. — Футболчиларимиз янада шиддат билан ўйнасалар бас!

Булар ҳаммаси яхши. Аммо муаммо бартараф этилдими? Ўйингоҳ ўриндиқларини бўяб, борингки, ёритиш миноралари ҳам ўрнатиб, атрофни тартибга келтириш билан иш битадими? Келинг, аввало ўйингоҳ тарихига бир назар солайлик. 15 минг томошабин сиғадиган бу ўйингоҳ 1961 йили ёшлар ҳашари билан бунёд этилган. Унча ҳам мустаҳкам бўлмаган бу ўйингоҳ 1997 йилгача чидаб келди. Кейин ўйингоҳнинг ғарбий ўриндиқлари яроқсизлиги туфайли бузиб ташланди. Таъмирлаш учун ўша йили 200 минг сўмдан кўп маблағ талаб қиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Бироқ у ҳужжатлар қоғозда қолиб кетди...

Ҳозир стадионнинг 5 минг киши сиғадиган жанубий-шарқий ўриндиқлари сақланиб қолган. Лекин футбол ишқибозлари биладики, стадионнинг кунгай тарафида ўтириш азобнинг ўзи. Боз устига, ёритиш миноларининг йўқлиги боис, ўйинлар кун иссиғида бошланади. Бу ёғини тасаввур қилаверинг. Ўйингоҳни «яшил майдон» деймиз. Лекин бу ўйингоҳни кўпроқ сариқ ёки ола-була майдон дегим келади. Майдондаги ажириқзор аслида 5 сантиметр ўсган бўлиши керак. Бироқ бу ердагиси сарғайиб, қуриб ерга қапишиб кетган...

— Ўйингоҳимизни таъмирлаш учун ҳеч қачон пул ажратилмаган, — дейди ўйингоҳ раҳбари Х. Тожиматов. — Ўйинлардан эса пул кам тушади. Ўтган йили ўтказилган 18 та ўйиндан жами 932 минг 350 сўм пул тушган, холос.

Бироқ, ўйингоҳнинг ўзидан ҳам маблағ топиш учун фойдаланиш мумкин-ку! Ўйингоҳ раҳбарияти реклама қалқонлари осиш муваффақиятсиз чиққанидан, ўйин кунлари стадион атрофида турли салқин ичимликлар, футбол ўйинлари тақвимлари, бошқа нарсалар савдоси ташкил қилинсада, иш юришмаганидан нолийди. Ҳолбуки, шаҳар марказий ўйингоҳи ўзига хос маданий-маърифий ўчоқлардан бири бўлиши керак-ку! Нега бу ерда машҳур хонандалар иштирокида концертлар, турли тадбирлар ўтказилмайди? Ахир шундай йўллар билан ҳам маблағ жамғариш ва ўйингоҳни яхшилаш мумкин эди-ку!

«Темирйўлчи» футбол клуби ўз низомига кўра савдо-тижорат, реклама ишлари билан шуғулланиши ва маблағ топиши мумкин. Афсуски, клуб бошлиғи М. Умаровнинг айтишича, клубнинг 200 миллион сўмдан ошиқ маблағи асосан шаҳар корхоналаридан тушадиган сармоя эвазига шакилланади. Ҳўш, клуб тимсоли туширилган плакатлар, буюмлар ва бошқа нарсалар ишлаб чиқариш, реклама билан шуғулланиш учун нима халақит беряпти?

Бу кетишда «Темирйўлчи» қачон профессионал клубга айланади?..

Жамоа аъзоларининг ойлик маошлари берилмаётганлиги, озиқ-овқат таъминотининг яхши эмаслиги ҳақида ҳам гап-сўзлар бор.

— 2002 йилда маошларимизни ҳали олганимиз йўқ,— дейди жамоа ўйинчиси Маъмуржон Мансуров.

— Бу йилги ойликларни ҳам, шунингдек, мукофот пулларини ҳам олмадик, — дея унга қўшилади жамоа чап қанот ҳимоячиси Расулжон Фозилов. — Озиқ-овқат таъминоти ҳам кўнгилдагидек эмас...

— Ўтиш даври бўлгани учун футболчиларнинг маошларини бермай турувдик, — дейди жамоа бошлиғи М. Умаров. — Яқинда мукофотларини тўла олишади. Таъминотлари ҳам яхшиланади.

Ўйингоҳ билан боғлиқ масаланинг яна бир томони бор. Маълумки, 1993 йилга қадар ўйингоҳ касаба уюшмалари ҳисобида турарди. «Темирйўлчи» футбол жамоасининг Ўзбекистон чемпионатида қатнашаётганлигини ҳисобга олиб, шу йили ўйингоҳни Ўзбекистон темир йўллари акционерлик компанияси (У вақтда Ўрта Осиё темир йўллари Фарғона бўлими) ихтиёрига ўтказилган. Бироқ юқорида кўрганингиздек, янги хўжайин ҳам ўйингоҳни тўлиқ таъмирлаш, кенгайтириш, ободонлаштириш хусусида чуқур қайғурмаган. Ўйингоҳнинг ночор аҳволга тушиб қолганлигини кўрган баъзи ориятли тадбиркорлар «Агар ўйингоҳ бизга ўтказилса, уни тартибга соламиз, таъмирлаймиз, замонавий спорт мажмуига айлантирамиз» деган таклиф билан чиқишди. Афсуски, бу маслаҳат ҳам ҳамон ечимини топгани йўқ...

Шаҳар кўрки бўлиши лозим ўйингоҳ нега шу аҳволга тушиб қолди!? Бағри кенг, валломат, элпарвар, сахий кишилар яшаётган Қўқон шаҳрига шу ярашадими? Шаҳарда «Жаҳон бозори»ни барпо қилган тадбиркорлар қаерда?! Ахир, ўйингоҳнинг таъмири, футбол жамоасининг молиявий аҳволини яхшилаш учун турли хайрия кечалари, қолаверса, шаҳардаги мавжуд олий ўқув юрти, 4 та билим юрти, лицей ва коллежлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида ҳашарлар ўтказиш мумкин эди-ку!

Шу ўринда яна бир савол туғилади: ўйингоҳнинг бу аҳволидан Республика футбол федерацияси хабарсиз эдими? Ҳокимият ёки футбол клуби ўз вақтида огоҳлантирилдими, чора кўрилдими?

— Албатта, бу муаммо кеча ёки бугун юзага келгани йўқ, — дейди биз билан суҳбатда ЎФФ ходими, таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев. — Ушбу масала юзасидан бир неча марта тегишли идораларга, мутасаддиларга мурожаат қилинди. Футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр Раҳимов икки маротаба Қўқонда бўлиб, шаҳар ҳокими Абдуҳаким Ҳўжаев билан шахсан учрашди.Ўтган йил охирида эса ЎФФда ўтказилган ижроия қўмита йиғилишида Қўқонда ўзбек футболининг 90 йиллигига кўрилаётган ҳозирлик, шунингдек, ўйингоҳда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳақида ахборот берилди. Афсуски, бирорта амалий ишга қўл урилмади.

Ўйингоҳни учрашувларни ўтказишга ҳозирлаш учун апрель ойигача муҳлат берилди. Шуни унутмаслик лозимки, сентябрь ойида мазкур ўйингоҳда йилнинг энг йирик тадбири — Ўзбек футболининг 90 йиллик тўйи ўтказилиши кўзда тутилган. Бу тантанада нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлар, ФИФА, ОФК футбол мутахассисларининг ҳам қатнашиши кутилмоқда. Демак, Қўқон ўйингоҳида олиб борилаётган юмушларни қўлдан ўтгунча эгасига етгунча қабилида эмас, аксинча пухта-пишиқ қилиб ниҳоясига етказиш зарур.

— Мана кўриб турибсиз, ўйингоҳда жиддий ўзгаришлар бўляпти, — дейди «Темирйўлчи»нинг ашаддий ишқибози, «Қўқон садоси» газетасида узоқ йиллар ишлаган фахрий журналист Мўйдин Йўлдошев. — Лекин жуда кеч бошланди. Биз олий лигага чиққан «Темирйўлчи»нинг биринчи ўйинини шаҳримизда кўрамиз, дея ишонгандик.

Бу йил ўзбек футболининг 90 йиллиги республикамизда кенг нишонланади. Дастлабки ўзбек миллий футбол командаси Қўқон шаҳрида тузилган. Юқорида муаммоларга сабаб бўлаётган ўйингоҳ ҳам илк ўзбек футболчиларидан бири, қўқонлик Ҳусанхон Муҳиддинов номи билан аталади. Шу боис, қўқонликлар бу қутлуғ санани муносиб нишонлайдилар, бунинг учун барча тадорикларни кўрадилар, дея умид қиламиз.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«БУХОРОЁҒ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни, саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларда мардона меҳнат қилиб мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшаётган меҳнаткашларни, республикамизнинг барча бахтиёр фуқароларини яшариш байрами, гўзал

НАВРЎЗ айёми

билан самимий муборакбод этади.

Бу йилги Наврўз юртимизга, ҳар бир хонадонга тинчлик ва осойишталик, бахт-саодат, шодлик олиб келсин!

Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда, ерга сочган уруғи баракали бўлсин!

